

“IFRS” HOMLI
KONFERENCIYA

CONFERENCE “GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS”

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:
GLOBAL AND
NATIONAL
ECONOMIC
TRENDS



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS

1 йўналиш: ГЛОБАЛ
ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ
“Глобал ва миллий
иқтисодий трендлари”

CONFERENCE

19-20
OCTOBER

ФОРУМ

PARALLEL CONFERENCES
“NEW2AN, ICFNDS
AND ICDSIS”

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:
GLOBAL AND
NATIONAL
ECONOMIC
TRENDS

“NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS”

CONFERENCE
“IFRS”

GLOBAL
ECONOMIC
TRENDS

2nd FORUM OF
DEVELOPMENT
STRATEGY:

“IFRS”

2nd FORUM
DEVELOPMENT

RAQAMLI IQTISODIYOT VA AXBOROT TEKNOLOGIYALARI

2023

ELEKTRON ILMIY JURNALI / MAXSUS SON

- Innovation in
education

ФОРУМ

19-20 OCTOBER

PARALLEL CONFERENCES

“NEW2AN, ICFNDS

AND ICDSIS”

РАҚАМЛИ ИҚТИСО
АХБОРОТ ТЕХНОЛ
ВА ТАЪЛИМНИНГ
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎН
“NEW2AN, ICFNDS,
номли параллель
конференциялар

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Электрон илмий журнал | Electronic scientific journal

МУАССИС | FOUNDER

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Tashkent State University of Economics

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD

Шарипов Конгратбой Аvezимбетович — т.ф.д., профессор
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich — doctor of technical sciences, professor

БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент
Abdullayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

МАСЪУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY

Л.А. Аблазов | L.A. Ablazov

ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:

Н.Я. Нурсаидов, А.Ш. Махмудов | N.Ya. Nursaidov, A.Sh. Makhmudov

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.
И.М. Алимардонов – и.ф.д., доцент.
Р. Салиходжаев – и.ф.б.ф.д. (PhD).
Проф. Холназар Амонов (Чехия).
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).
Проф. О. Абдураззаков (Германия).
Проф. Эко Шри Маргианти (Индонезия).
Проф. Д.М. Назаров (Россия).
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).
PhD. Аҳмед Моҳамед Азиз Исмоил (Миср).

PhD. Беҳзод Саидов (АҚШ).
PhD. Умид Ахмедов (Дания Қироллиги).
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.
И.Е. Жуковская – и.ф.д., профессор.
Т.С. Қўчқоров – и.ф.д., профессор.
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.
Ш.И. Хашимходжаев – и.ф.н., доцент.
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д., доцент.
Ш.С. Эгамбердиев – и.ф.б.ф.д. (PhD).
Р.Х. Алимов – и.ф.д., профессор.
А.У. Қобилов – и.ф.н., доцент.
Р.Х. Насимов – т.ф.б.ф.д. (PhD).
С.С. Қулматова – и.ф.б.ф.д. (PhD).

МУНДАРИЖА:

Шарипов К.А., Ишназаров А.И.	ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ИНВЕСТИЦИЯ ОҚИМЛАРИ ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ	6
Eshov M.P., Nasirkhodjaeva D.S.	IMPACT OF THE DEVELOPMENT DIGITAL ECONOMY ON THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY	14
Abdurahmanova G.Q., Mirzaliyev S.M.	OLIV TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING TASHKILY-IQTISODIY MEKANIZMLARI	25
Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т.	ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ	28
Abdullayev M.K., Qulmatova S.S.	LOYIHALASH JARAYONLARIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHDA DIZAYN MUAMMOLARI	34
Абидов А.А.	ДИАГНОСТИРОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ В УСЛОВИЯХ ВОЗМУЩАЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ СРЕДЫ	40
Юлдашев А.А.	ЛОГИСТИКА СОҲАСИДА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ	47
Yakubova Sh.Sh.	DIGITAL DEVELOPMENT AND THE NATURE OF DIGITAL ASSETS	56
Ergashodjayeva Sh.Dj.	RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XARIDORLAR MA'LUMOTLARI MAXFIYLIGINI TA'MINLASH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR	64
Xashimxodjayev Sh.I., Zhukovskaya I.E.	DIGITAL TECHNOLOGIES ARE A STRONG BASIS FOR THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY	72
Амридинова Д.Т., Курбанова С.А.	ЦИФРОВАЯ ЭКАНОМИКА И ОНЛАЙН ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	79
Fayziyeva Kh., Tursunov Kh., Khidirova M., Kulmanov T., Zikriyoev A.	GROWING UP IN A CONNECTED WORLD: INTERNET USAGE DYNAMIC IS DIGITAL AGE OR HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT?	88
Fayziyeva M.X.	TIJORAT BANKLARI TAKLIF ETGAN RAQAMLI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNI BAHOLASH	104
Qobilov A.O', Abdulaxatov M.M., Rajabov Sh.B., Zokirov S.Z.	ASSOTSIATIV QOIDALAR VA BOZOR SAVATLARINING TAHLILI ..	115
Ризакулов Ш.Ш.	БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИИ В ЭКОНОМИКЕ: НА ПРИМЕРЕ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВО	121
Назарова Р.Р., Нигматуллаева Г.Н.	СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА	126
Meyliev O.R., Gofurova K.X.	THE ROLE OF ELECTRONIC COMMERCE IN THE DIGITAL ECONOMY	132

Ma'murov B.X.	RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA HUDUDLAR IQTISODIYOTI TARKIBIY TUZILMASINI TAKOMILLASHTIRISHNING MOHIYATI VA UNING OMILLARI	142
Gaipov J.B.	ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ПЛАТЕЖНЫХ СИСТЕМ НА ПРИБЫЛЬНОСТЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ	150
Maxmudov S.B.	MILLIY IQTISODIYOTDA EKSPORT AMALIYOTIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLARNI EKONOMETRIK TAHLILINI BAHOLASH ...	160
Nursaidov N.Y., Vafoev B.R.	PROBLEM OF LIMITED ACCESS TO THE INTERNET IN MOBILE LEARNING	172
Xidirova B.I.	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР	179
Xalilova N.K.	O'ZBEKISTON SHAROITIDA XARIDORLARNI BOSHQARISH JARAYONLARINI RAQAMLASHTIRISH ISTIQBOLLARI	187
Rahmatova Sh.O.	РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БИЗНЕСНИНГ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196
Ahmedova S.I.	RAQAMLI IQTISODIYOTDA SANOAT KORXONALARINING ISHLAB CHIQRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH BO'YICHA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI	203
Mirzarahimova A.B.	СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ ЁЗУВЛАРИНИНГ РОЛИ	209
Abdurakhmonov A.A.	O'ZBEKISTONDA RAQAMLASHTIRISH TENDENSIYALARI VA UNDAGI MAVJUD MUAMMOLAR	215
Abdurahmanova Z.T.	O'ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQRISHNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYALARNING O'RNI	223
Mustafakulov O.U.	STATISTIKA TIZIMIDAGI RAQAMLI PLATFORMALARNI BAHOLASH VA ULARNI TANLASH	232
Tal'atova D.B.	RAQAMLI TENGSIZLIKNI BARQARORLASHTIRISHNING IQTISODIY O'SISHDAGI O'RNI	238
Nabiyeva F.O.	RAQAMLI BANKING: QIYINCHILIKLAR, RIVOJLANAYOTGAN TEXNOLOGIYA TENDENSIYALARI VA KELAJAKDAGI TADQIQOTLAR	244
Yax'yayev O.Y.	"JUST IN TIME" XALQARO MENEJMENT MODEL, O'RGANILISHI, AMALIYOTI, RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI	254
Yuldashov I.S., Ro'ziev N.I.	RAHBARNING BOSHQARUV KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH MEKANIZMLARINI O'RGANISHNING KONSEPTUAL ASOSLARI	260
Tyraeva H.O.	КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	265
Muzaffarova D.M.	TASHKILOTNING FUNKSIONAL OPERATSIYALARINI RAQAMLI TRANSFORMATSIYA QILISH YO'LLARI	275

Rustamova M.M.	KOTLIN TILIDA YARATILGAN XIZMAT SIFATINI BAHOLOVCHI “SAFE MOBILE” ILOVASI	285
Zikirullaeva N.	THE ROLE OF GOVERNMENT POLICIES IN ATTRACTING DIRECT FOREIGN INVESTMENTS	294
Anvarova M.M.	RAQAMLI TRANSFORMATSIYA JARAYONINING KICHIK VA O‘RTA BIZNES KORXONALARIGA ASOSIY TA‘SIRI	305
Parpieva R.A., Norboyeva N.E., Anvarova M.M.	IMPROVING MEDIA LITERACY USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN PROFESSIONAL EDUCATION	311

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

Мазкур электрон илмий журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги “Оммавий ахборот ва коммуникациялар соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1017-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2021 йил март ойида таъсис этилган ҳамда халқаро интернет тармоғига жойлаштирилган.

This electronic scientific journal was established by the Tashkent State University of Economics in March 2021, based on the tasks defined in the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 19, 2019 No. 1017 «On approval of some administrative regulations for the provision of public services in the field of public information and communications» posted on the internet.

Нашр қилинаётган “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” электрон, илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 31 январдаги 332/6-сон қарори билан Иқтисодиёт фанлари бўйича “Фан доктори” илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари, илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган Республика илмий журналлари рўйхатига киритилган.

The electronic scientific journal “Digital economy and information technologies” published by the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 31, 2023 No. 332/6 announces scientific articles on the scientific results of dissertations of candidates for the degree of Doctor of Science in «Economic Sciences» included in the list of republican scientific journals that should be published.

Журналнинг интернет ахборот тармоғидаги манзили:

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

The address of the journal on the internet:

<https://dgeconomy.tsue.uz/jurnal>

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Хидирова Барчиной Илхомовна

ТДИУ, Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Рақамли иқтисодиёт иқтисодий айланмага янги кириб келган тушунчадир. Мақолада ушбу категория пайдо бўлган даврдан ҳозиргача олимлар ва ташкилотлар томонидан берилган таърифлар таҳлил қилинган, таснифланган. Шунингдек, муаллиф томонидан рақамли иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли индекслар, рақамли технологиялар, АКТ, платформалар, электрон бизнес, буюмлар интернет, экотизим.

Кириш:

Жаҳонда шиддат билан ривожланаётган рақамли технологиялар мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, иқтисодий сиёсати ва давлат бошқаруви тузилишини сифат ҳамда технологик жиҳатдан тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Чунончи рақамли технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётда кенг татбиқ этиш суръатларининг турличалиги оқибатида мамлакатлар ўрта-сидаги ривожланиш тафовутларининг янада кучайишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунга келиб, «жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари йилдан-йилга ошиб бориб, «рақамли иқтисодиёт»нинг ўсиш суръатлари деярли 15.5 фоизни ташкил этди. Ахборот-технологияларининг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши АҚШда – 10,9 фоиз, Хитойда – 10,0 фоиз, Ҳиндистонда – 5,5 фоизни ташкил этмоқда»⁵². Ушбу соҳани ривожлантириш ҳозирги замон талабига айланиб бормоқда. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистон учун, унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган муҳим, стратегик аҳамиятга эга вазифа бўлиб, бу давлатимизга ушбу соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш, бу жараённи рақобатлантириш зарурлигини кўзда тутати.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун имкониятлар, шарт-шароитлар етарлича, бироқ ривожланиш босқичи жуда секин бормоқда. Бунга сабаб бўлаётган бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари интернет тезлиги ва сифатининг пастлиги, кўплаб соҳаларда монополияларнинг мавжудлиги, ахборот технологиялари соҳасидаги қонунчиликнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги, компьютер саводхонлиги даражасининг пастлиги, ахборот технологиялари мутахассисларининг етишмаслиги, ахборот технологиялари хавфсизлигининг етарли даражада эмаслигидир.

Ҳозирги кунда дунёда рақамли иқтисодиёт атамасига берилган кўплаб таърифлар ишлаб чиқилган, шу билан бирга ушбу атама билан боғлиқ бир қанча тушунчалар ҳам мавжуд: «рақамли иқтисодиёт (*digital economy*)», «электрон иқтисодиёт (*e-economy*)», «интернет-иқтисодиёт (*internet economy*)», «тармоқ иқтисодиёти (*network economy*)», «виртуал иқтисодиёт (*virtual economy*)». Моҳиятан уларнинг барчаси синоним ҳисобланади.

⁵² <https://review.uz/post/uzbekistan>

Рақамли иқтисодиёт — уларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмда қайта ишлаш анъанавий хўжалик юритиш шакллари билан таққослаганда ҳар хил турдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товарлар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили саналган хўжалик фаолиятидир. «Рақамли» (электрон) иқтисодиёт бу — ахборот, шу жумладан, персонал ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш, унинг ўзига хос хусусияти бўлган иқтисодиётдир. Бу ахборот-коммуникация ва молия технологияларининг ривожланганлиги, шунингдек, биргаликда гибрид дунёда барча иқтисодий фаолият субъектлари — товарлар ва хизматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёни объектлари ва субъектларининг тўлақонли ўзаро алоқа қилиш имкониятини таъминлайдиган инфратузилма очиқлиги туфайли ўринга эга бўлиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:

Рақамли иқтисодиётнинг глобал ривожланиб боришида олимларнинг изла-нишлари муҳим ҳисобланади. Д. Тапскотт биринчи навбатда «Рақамли иқтисодиёт» концепциясини иқтисодий таъсир ёрдамида рақамли технологияларни яратиш ва улардан фойдаланиш сифатида тақдим этди [1].

«Рақамли иқтисодиёт» атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик соци-олог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан кири-тилган. Бу борада у ўзининг «Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият» номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодиёт назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда. Илмий адабиётларда ҳозирги замон «Янги рақамли иқтисодиёти» турли хил атамалар билан номланади. Масалан, «Постиндустриал иқтисодиёт» (Д.Белл)⁵³, «Ах-боротлашган иқтисодиёт» (О.Тоффлер)⁵⁴, «Мегаиқтисодиёт» (В.Кувалдин), «Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт» (И.Ниинилуто), «Техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисо-диёт» (Б.Гейтс), «Билимларга асосланган иқтисодиёт» (Д.Тапскотт).

1 жадвал

Рақамли иқтисодиётга берилган таърифлар*

№	Таъриф	Муаллиф
1	Рақамли иқтисодиёт миллий иқтисодиётни бошқаришнинг тактикаси, бу ерда рақамлаштирилган билим ва маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили, замонавий ахборот тармоқлари – маълумотларни ташувчи, оммавий ахборот воситалари ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) эса самарадорликни ҳаракатлантирувчи ва иқтисодиётнинг таркибий тузилишини оптималлаштирадиган кучдир	Ма Хуатэн ⁵⁵

⁵³ https://royallib.com/book/bell_daniel/gryadushchee_postindustrialnoe_obshchestvo___vvedenie.html

⁵⁴ [stindustrialnoe_obshchestvo___vvedenie.html](https://royallib.com/book/toffler_elvin/revolyutsionnoe_bogatstvo.html)

https://royallib.com/book/toffler_elvin/revolyutsionnoe_bogatstvo.html

⁵⁵ Ма Хуатэн и др. Цифровая трансформация Китая. Опыт преобразования инфраструктуры национальной экономики / Ма Хуатэн, Мэн Чжаоли, Ян Дели, Ван Хуалей; Пер. с кит. — М.: Интеллектуальная литература, 2019. — 250 с.

2	Рақамли иқтисодиёт – атомлар ҳаракатидан битларнинг ҳаракатига ўзгаришидир	Н.Негропенте ⁵⁶
3	Рақамли иқтисодиёт – интернетда ҳисоблаш ва коммуникация технологияларининг яқинлашуви ва натижада электрон тижорат ва кенг ташкилий ўзгаришларни рағбатлантирадиган ахборот ва технологиялар оқимидир	Н.Лейн ⁵⁷
4	Рақамли иқтисодиёт — бу қурилмалар, хизматлар ва технологиялар тўплами билан белгиланадиган экотизим	Дини П. ⁵⁸
5	Рақамли иқтисодиёт — рақамли артефактлар ва маълумотларни узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма, тизим фойдаланувчилари, шу жумладан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, психологик ва ўзаро алоқаларни амалга оширишга таъсир қилувчи бошқа омиллар.	Х. Донг ⁵⁹
6	Рақамли иқтисодиёт — бу маълумотларни яратиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатишнинг янги усуллари, шунингдек рақамли компьютер технологияларига асосланган иқтисодиёт	Энговатова А.А. ⁶⁰
9	Рақамли иқтисод – ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит	В.Иванов ⁶¹
	Рақамли иқтисодиёт ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларининг занжиридан иборат бўлиб, унинг ажралмас элементи занжирлараро (инсонлараро, машиналараро, булутлар орқали, дата марказлараро) рақамли технологиялар ёрдамида амалга ошириладиган маълумот алмашишидир	С.С.Гулямов ⁶²
	Рақамли иқтисодиёт – бу рақамли технологиялардан фойдаланиладиган иқтисодий ишлаб чиқаришдир	Мещеряков Р.В. ⁶³

*Назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Марк Порат бирламчи ва иккиламчи иқтисодиёт секторлари орасига фарқ киритган америкалик олимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бирламчи сектор аниқ иқтисодий баҳоланиши мумкин, чунки у бевосита бозор қийматини яратади. Иккиламчи сектор иқтисодиёт учун муҳим ҳисобланса-да, аммо уни иқтисодий баҳолашни амалга ошириш анча мушкул амал ҳисобланади, чунки у компаниялар ва давлат корхоналари ичидаги ахборот фаолиятини ўз ичига олади⁶⁴. Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиёт тенденцияларининг ўзгаришини россиялик олим

⁵⁶ Negroponte, N. Being Digital / N.Й Negroponte. – NY: Knopf, 1995.

⁵⁷ Lane, N. Advancing the digital economy into the 21st century / N. Lane // Information Systems Frontiers. – 1999. – Vol. 1. – № 3. – P. 317–320.

⁵⁸ Dini P. Network of Digital Business Ecosystems for Europe: Roots, Processes and Perspectives. Digital Business Ecosystems. Bruxelles: European Commission. – 2017. – pp. 26-29.

⁵⁹ H. Dong, F.K. Hussain An Integrative view of the concept of Digital Ecosystem // Proceedings of the Third International Conference on Networking and Services. Washington, USA: IEEE Computer Society. – 2017. – pp. 42-44.

⁶⁰ <https://news.rambler.ru/economics/37159885-tsifrovayaekonomika-kak-spetsialisty-ponimayut-etot-termin/>

⁶¹ Алексеенко О.А. Цифровизация глобального мира и роль государства в цифровой экономике / О.А. Алексеенко, И.В. Ильин // Информ. общество. – 2019.

⁶² Гулямов. С.С. ва бошқалар. «Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари». // «Иқтисод Молия» нашриёти, 2019. 396 б.

⁶³ <https://news.rambler.ru/economics/37159885-tsifrovayaekonomika-kak-spetsialisty-ponimayut-etot-termin/>

⁶⁴ Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. - Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019,- Б. 8-10.

Н.С.Ревенко ҳам ўрганган, рақамли иқтисодий шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари билан эса В.М.Бондаренко шуғулланган.

Рақамли иқтисодий шунингдек, - иқтисодий ресурслар тақчиллиги шароитида рақамли технологиялар ёрдамида амалга ошириладиган ва бошқаралидаиган иқтисодий фаолият. Ҳар қандай иқтисодий тизим олдида турган асосий муаммо бу ресурслар тақчиллиги билан боғлиқ рақамли иқтисодийда ҳам асосий эътибор ушбу муаммони ҳал қилишга қаратмоғи лозим [13] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш Давлат дастурида [1]: “Рақамли иқтисодий ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли маълумотлар, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва таҳлил натижаларини қўллаган ҳолда, аънанавий бошқарув шакллари билан таққослаганда, турли хил ишлаб чиқариш, технологиялар, ускуналар, сақлаш, сотиш, товар ва хизматларни етказиб бериш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин” деган фикр билдирилган.

Тадқиқот методологияси:

Мақолада Google Scholar, EBSCO илмий маълумотлар базалари, Европа комиссиясининг ҳисоботлари, OECD ва бошқа ваколатли органлар, шунингдек давлат ташкилотлар томонидан нашр этилган мақолалар ва олимларнинг тадқиқотларидан рақамли иқтисодийнинг 30 дан ортиқ таъриф ва матнли сегментлари тўпланган. Маълумотлар йиғма контент-таҳлили методи асосида учта таркиб блокларига бўлинган. Натижада, рақамли иқтисодий категориясининг функционал хусусиятлари гуруҳлашган таҳлил асосида ёритиб берилган.


Таҳлил ва натижалар:

Ҳозирги вақтга келиб, рақамли иқтисодий назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган ва кўпчилик иқтисодчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилмақда. “Рақамли” давлатлар – яъни рақамли иқтисодий юксак ривожланган давлатлар бугунги кунда Норвегия, Швеция ва Швецария ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финландия, Сингапур, Жанубий Корея ҳамда Гонгконг рақамли иқтисодий ривожланган давлатлар 10 талигига киради⁶⁵. Ушбу давлатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш ва булар асосида ҳаракатланиш кўзланган мақсадга тезроқ эришишга ёрдам беради.

Рақамли иқтисодийнинг ривожланганлик даражаси бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бу кўрсаткичлардан бири электрон ҳукумат саналади. Қуйидаги 1-расм орқали мамлакатлардаги электрон ҳукумат индекси билан танишиб чиқишимиз мумкин. Кўриб турганимиздек, Ўзбекистондаги электрон ҳукуматнинг ривожланганлик даражаси паст эмас, аммо юқори ҳам эмас. Айни пайтда Ўзбекистонда рақамли иқтисодийни ривожлантириш учун имкониятлар, шарт-шароитлар етарлича, бироқ ривожланиш босқичи жуда секин бормоқда. Буни бартараф этиш мақсадида юртимизда бир қанча ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Тараққиётга эришиш учун, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт-

⁶⁵ <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyotnima.html>

Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”⁶⁶.



1-расм. Электрон ҳукумат индекси*

*Тахлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бугунги кунда, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакатимиздаги устивор вазифалардан бири қилиб белгиланди. Республикамиз раҳбари ИТ соҳасини ривожлантириш бўйича барча вазирлик ва идораларнинг эътиборларини ошириш лозимлигини таъкидламоқдалар. Бунинг натижасида ИТ академияси, ИТ лабораторияси, Co-Working маркази, мобил иловалар ишлаб чиқиш маркази ҳамда масофавий ахборот технологиялари маркази ташкил қилинди. 2020 йилда Нукус, Бухоро, Самарқанд, Гулистон ҳамда Урганч шаҳарларида ИТ-парклар ташкил этилиши, “Электрон ҳукумат” тизимининг барча ташкилий ва институционал масалалари ҳал этилиши, қурилиш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш ишларининг бошланиши, шунингдек, яқин икки йил ичида барча қишлоқ ва маҳаллалар тезкор интернет билан таъминланиши шулар жумласидандир.

2030 йилга қадар “Рақамли Ўзбекистон” концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори⁶⁷ қабул қилинди. Қарорга кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг галдаги муҳим вазифалари сифатида – инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун криптоактивлар айланмаси соҳасида турли фаолиятларни, жумладан, майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлар форматида мукофот олиш имкониятини берувчи янги блоклар

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь.

⁶⁷ <https://www.lex.uz/ru/docs/3806053>

яратиш ва тақсимловчи платформани қўллаб-қувватлаш бўйича фаолият), смарт контрактлар (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар битилган электрон шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тарқатиш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; малакали кадрларни тайёрлаш; криптовалюталар ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; бу борада ҳуқуқий базани яратиш кабилар назарда тутилган. Рақамли технологиялар иқтисодиётнинг кўриниши ва тузилмасини ўзгартириб, одатдаги бизнес моделларини ўзгартиради, якка тартибдаги хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун мамлакат орасида рақобат ва рақобатбардошликни оширади, бозорлар ва имкониятларнинг кенгайишига олиб келади.

Баъзилар рақамли иқтисодиёт нега керак ва нима беради, деб ўйлаши мумкин. Рақамли иқтисодиёт деганда, фақатгина Блокчейн (Blockchain) технологиясини ва улардан халқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунга, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоф бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги IT технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи пасаяди.

Рақамли инқилоб қайсидир тармоқлар ва мамлакатларга илгарироқ ва кучлироқ, бошқаларга эса кечроқ ва камроқ дахл қилган. Сервис хизматлари, медиа ва кўнгилочарликлар биринчи бўлиб, улардан кейин эса телекоммуникация компаниялари ва банклар рақамлаштиришга муҳтож бўлди. Лекин таҳлилчиларнинг умумий фикрлари ва компаниялар менежерлари орасида ўтказилган сўров натижалари бўйича пировардида рақамлаштириш у ёки бу даражада ҳаммамизга дахл қилади. Бугунги кунда биз ҳар бир моҳиятни у ёки бу оламга мансуб санаган ҳолда идентификация қилишимиз мумкин, лекин маълум вақт ўтгандан сўнг кўпчилик объектлар учун бундай тақсимлашни амалга ошира олмаймиз. Бундай мисоллар бугуннинг ўзидаёқ мавжуд: IP-камера ёки тармоққа уланган бошқа ҳар қандай узатгич – у қайси оламнинг бир қисми ҳисобланади? Шубҳасизки, улар иккала олам ҳодисаларининг моҳияти саналади. Мобил телефон бугунги кунда кўплаб маълумотларни: телефон рақамлари, туғилган кун ҳақида маълумот, фотосуратлар, пароллар ва ҳ.к.ни сақлайди. Биз электрон қурилмага усиз ўзимизни йўқотиб қўядиган ва ишга лаёқатсиз бўлиб қоладиган хотирамиз функционалининг бир қисмини бердик. Биз ҳатто телефон билан жисмонан боғланмаган бўлсакда, функционал жиҳатдан биз ўзимизни у билан бир бутун деб ҳис қиламиз. Реал ва виртуал дунёларнинг бирлашиб кетиш жараёни бошланди ва уни тўхтатишнинг имкони йўқ. Реал ва виртуал дунёларнинг бирлашуви натижасида янги гибрид дунё ҳосил қилиниб, унда биз учун ҳозирги кунда одатий бўлган қонун ва қоидалардан фарқ қиладиган бошқа қонун-қоидалар амал қилади.

Хулоса ва таклифлар:

Шундай қилиб, тадқиқот натижасида рақамли иқтисодиётнинг категориялари орқали функционал хусусиятлари таҳлилида қуйидаги назарий натижаларга эришилди.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётнинг функционал хусусиятлар йиллар давомида кенгайиб, келажакда ноаниқлиқ билан бир қаторда янги имкониятларни пайдо қилади.

Иккинчидан, Рақамли иқтисодиётнинг хусусиятларини аниқ белгилаш ва категорияни шакллантиришда унинг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда таърифлаш, рақамли иқтисодиётнинг ЯИМ даги улушини тўғри ҳисоблашга фундаментал асос вазифасини бажаради. Ҳозирда рақамли иқтисодиётни ўлчаш мураккаблашиб бормоқда.

Учинчидан, иқтисодиётни тезкор ўсишини таъминлашда ғоялар ва стартапларга инвестицияларни жалб қилиш натижасида амалга ошади.

Тўртинчидан, қиймат занжирларига аниқса платформалаштириш, модуллаштириш орқали турли хил таъсир кўрсатади. Шунингдек қийматни қўшиш ва таркибий ўзгаришларнинг янги воситаларини очади.

Бешинчидан, анъанавий иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик тушунчаларини ўзгартирди.

Бешинчидан, Рақамли иқтисодиётнинг кириб келиши жамиятда бизнес юритиш моделлари ва мавжуд хизматлар портфели, мижозлар ва ҳамкорлар билан муносабатларда хулқ-атвор стандартлари, персонални ўқитиш ва мотивация қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолдаги корпоратив маданият, виртуаллаштириш, булут технологиялари жорий қилган ҳолда жавобгарлик даражаси ва регламент, янги технологиялар, муҳитнинг дастурий-аппарат талаблари, мижозлар ва ҳамкорларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда компания инфратузилмасини ўзгаришига олиб келди.

Юқорида келтирилган фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкин-ки, бугунги кунда иқтисодиётда компаниялар ўртасида бозордаги муносабатларни сезиларли даражада ўзгартирадиган инновациялар кузатилмоқда. Бостириб келаётган буюмлар интернет бозорнинг барча қатнашчиларини – компаниялардан тортиб истеъмолчилар, маҳсулотлар, сервис ва жараёнларгача – умумий бирдунёга кўчириб ўтказишни амалга оширмоқда. Бу эса ишлаб чиқарувчиларни, платформалар ва иловаларни, қурилмалар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларни бирлаштирадиган янги «рақамли экотизимлар» пайдо бўлиши туфайли рўй бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги фармони № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида”. <http://turkiston.uz> (мурожаат санаси: 12.03.2020)

2. Digital Economy / Oxford: Oxford University Press, 2017 // Oxford Dictionary [Electronic resource]. – Mode of Access: https://en.oxforddictionaries.com/definition/digital_economy. – Date of access: 15.10.2018.

3. Negroponte, N. Being Digital / N. Negroponte. – NY: Knopf, 1995.

4. Tapscott, D. The Digital Economy: Promise and Peril In The Age of Networked Intelligence / D. Tapscott. – NY: McGraw-Hill, 1994.

5. Lane, N. Advancing the digital economy into the 21st century / N. Lane // Information Systems Frontiers. – 1999. – Vol. 1. – № 3. – P. 317–320.
6. Mesenbourg, T.L. (2001) Measuring the Digital Economy / T.L. Mesenbourg // U.S. Bureau of the Census [Electronic resource]. – Mode of Access: <https://www.census.gov/content/dam/Census/library/working-papers/2001/econ/digitalecon.pdf>. – Date of access: 22.10.2018.
7. Развитие цифровой экономики в России. 20 декабря 2016. Представительство Всемирного банка в России // Всемирный банк [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.vsemirnyjbank.org/ru/events/2016/12/20/developing-the-digital-economy-in-russia-international-seminar-1>. – Дата доступа: 08.10.2018.
8. Бухт Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики / Р.Бухт, Р. Хикс // Вестник международных организаций – 2018. 13.–№ 2. – С. 143–172.
9. Кунцман, А. А. Трансформация внутренней и внешней среды бизнеса в условиях цифровой экономики / А. А. Кунцман // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2016. – № 11(93). – С. 1–11.
10. Бойко, И. П. Экономика предприятия в цифровую эпоху / И. П. Бойко, М. А. Евневич, А. В. Колышкин // Российское предпринимательство. – 2017. – Том 18. – № 7. – С. 1127–1136.
11. Асанов Р.К. Формирование концепции «цифровой экономики» в современной науке / Р. К. Асанов // Социально-экономические науки и гуманитарные исследования. – 2016. – № 15. – С. 143–148.
12. Глазьев, С. Великая цифровая экономика: вызовы и перспективы для экономики XXI века / С. Глазьев // Завтра.– 2017. – № 37(1241).–С.4–5.
13. Паньшин, Б. Цифровая экономика: особенности и тенденции развития / Б. Паньшин // Наука и инновации. – 2016. – Т. 3, № 157.
14. С.С. Ғуломов, М.К. Абдуллаев. Ўзбекистонда 1 млн. дастурчиларни тайёрлашнинг янги йўналишлари // Маърифат, 10.03.2020. <http://marifat.uz/marifat/ruknlarf/fan/4373.htm>
15. Abdullayev, M. (2020). Analysis of application of information systems at industrial enterprises. Архив научных исследований, 1(20). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2270>



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Электрон илимий журнал | Electronic scientific journal

Muharrirlar:
Yaxshiyev H.T.
Matxo'jayev A.O.

Musahhih:
Matxo'jayev A.O.

Tehnik muharrir:
Mirzayev J.O'.

Litsenziya AI № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.
Qog'oz bichimi 60x84 ¹/₈. Shartli bosma tabog'i 19,9. Raqamli bosma.
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

“Zarafshon Foto” MCHJning matbaa bo'limida chop etildi.
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER

1st DIRECTION: TRENDS AND PROSPECTIVE DIRECTIONS OF GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS"

19-20 OCTOBER 2023

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS,

TASHKENT, UZBEKISTAN

CONFERENCE "NEW2AN, ICFNDS and ICDSIS"

Parallel conferences

CONFERENCE "IFRS" ФОРУМ

DEVELOPMENT STRATEGY:

GLOBAL ECONOMIC TRENDS

"IFRS"

НОМЛИ

КОНФЕРЕНЦИЯ

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS"

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS

ЎНАЛИШ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЎНАЛИШЛАРИ. "Глобал ва миллий иқтисодиёт трендлари" номли конференция

PARALLEL CONFERENCES

"NEW2AN, ICFNDS

AND ICDSIS"



- Conditions for improvement
- Corporate Accounting
- Institutional problems
- Training personnel for
- Business environment
- Digital technologies in

CONFERENCE

"S" CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER



+998 71 239-28-94 <http://dgeconomy.tsue.uz/>

dgeconomy_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.

ФОРУМ

- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agricultural Development

- Digit
- Gree
- Envir
- Alter
- Artif
- digit